ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА — КОММУНИЗМ САРИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 220 (4426).

8 НОЯБРЬ ДУШАНБА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН ЖАҲОН ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВР — ДУНЁНИ РЕВОЛЮЦИОН ЯНГИЛАШ, КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИ ОЧИБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ!



Тошкент. В. И. Ленин номли майдонда ҳарбий парад. А. АБАЛЯН фотолари.

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Советлар мамлакати туғилган кун — Октябрнинг Қизил байроғи яна мамлакатимиз узра ҳилпиради. Совет кишилари ҳайрли анъанага кўра бу порлоқ байрамни ҳар қачонгидек катта ва яхши ишлар билан кутиб олдилар. Совет кишиларининг қалби ва нигоҳи ҳар қачонгидек бугун ҳам Москвага, Қизил майдонга қаратилган. Москва Октябрь кунларида айниқса тантанавор ва гўзал! Сон-саноқсиз байроқлар, иттифоқдош республикаларнинг герблари, қизил алвонлар, майдон атрофидаги биноларга қўйилган катта паннолар Москванинг бутун қиёфасига улуғворлик ва байрам тўсини берган. ГУМ биноси пештоқида В. И. Ленининг портрети.

Октябрнинг 54 йиллиги... Совет Социалистик давлатимиз ҳаётида яна бир йил тугалланди. Бу йил партия XXIV съезди йили бўлиб тарихга киради. Съезд қарорларида партиянинг коммунизм моддий техника базасини яратиш, халқнинг моддий турмуши ва маданий савиясини анча юксалтириш, Советлар мамлакатининг куч-қудратини мустаҳкамлашдан иборат қатъий йўли ўз ифодасини топди. Тарих музейи биносини безатиб турган паннога «КПСС XXIV съезди қарорларини бажарамиз» деган сўзлар ёзилган. Бу шиор ҳозирги вақтда ҳар бир совет кишисининг ҳаракат программаси, шоншараф иши ва бурчи бўлиб қолди.

Бугун Қизил майдондаги байрам намойишида пойтахтдаги меҳнаткашлар коллективлари социалистик мусобақасининг илғорлари қатнашмоқда.

Ҳурматли меҳмонлар минбарида пойтахтдаги корхоналарнинг, Москва атрофидаги колхозлар ва совхозларнинг илғор кишилари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, Москвадаги олий ўқув юртларининг намояндалари, космонавтлар ҳозир бўлдилар. Октябрь революциясининг ветеранлари, гражданлар уруши ва улуғ ватан урушининг қаҳрамонлари ҳам шу ерда.

Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, чет эллардан келган кўпгина меҳмонлар минбарларда туришибди.

Қизил майдонда ҳозир бўлган кишилар партия ва ҳукумат арбобларини гулдурос қарсаклар, қудратли «ура» садолари билан, КПСС ва унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига айтилган табрик сўзлари билан кутиб олдилар. **Л. И. Брежнев, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев** ўртоқлар В. И. Ленин мавзолейининг марказий минбарига чиқадилар.

Мавзолейнинг ўнг тарафида Совет Иттифоқи маршаллари, қўшин турлари маршаллари, Совет Армияси ва Ҳарбий денгиз Флотининг генераллари ва адмираллари турибдилар.

Ҳарбий парад иштирокчилари мавзолей олдида саф тортиб турибдилар.

Қурантларнинг жаранглаган овозлари майдон узра янграйди. Соат 10. СССР Мудофаа Министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко Спасский дарвозасидан очиқ машинага тушиб келади. У парад қўмондони генерал-полковник Е. Ф. Ивановскийнинг рапортини қабул қилади. Шундан кейин министр қўшинлар олдидан ўтиб уларни улуғ Октябрь байрами билан қутлайди. Бунга жавобан минг-минглаб жангчиларнинг «ура» садолари янграйди.

СССР Мудофаа министри мавзолейнинг марказий минбарига чиқади ва нутқ сўзлайди.

А. А. ГРЕЧКО НУТҚИ

Совет Қуролли кучларининг жангчилари, ўртоқлар!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари!

Чет эллик ҳурматли меҳмонларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати номидан ҳамда уларнинг топшириғига биноан сизларни умумхалқ байрами — Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг эллик тўрт йиллиги билан табриклайман ва қутлайман.

Бизнинг мамлакатимиз бу йил улуғ Октябрь байрамини КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун умумхалқ кураши шиори остида нишонламоқда. Тўққизинчи беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кун сайин кенг авж олмоқда, Саноат план топшириқларини ошириб бажармоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўп турларини етиштириш кўзда тутилган. Совет фани, техникаси ва маданияти гоят юксалиб бормоқда. Улуғ Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудрати тобора мустаҳкамланмоқда.

Қардош социализм мамлакатлари ҳам ўз тараққиётида янгидан-янги муваффақиятларга эришдилар. Дўст социалистик давлатларнинг сиёсий бирлиги ва иқтисодий ҳамкорлиги янада мустаҳкамроқ бўлиб қолди.

Коммунистик партия ва Совет Давлати тинчликни актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программага мувофиқ коммунизм қурилиши учун қулай шарт-шароит бўлишини таъминлаш йўлини изчиллик ва сабот-матонат билан ўтказиб келмоқдалар, империалистик агрессия сиёсатига қарши, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлаш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари тинчлик ва социал тараққиёт кучларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда ўзаро келишиб олинган йўлни актив амалга оширмоқдалар. Ана шу тадбирлар натижасида жаҳон социализмининг миллий озодлик ҳаракати билан иттифоқи ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Европа хавфсизлигини мустаҳкамлаш истиқболи реал истиқбол бўлиб қолди. Агрессорларни жиловлаб қўйиш учун халқаро кескинликни юмшатиш учун, халқлар ўртасида тинч ҳамкорлик ва дўстлик учун кураш кучайиб бормоқда.

Совет давлатининг ташқи сиёсат соҳасидаги тинчликсеварлик тадбирлари бутун тараққийпарвар инсониятнинг манфаатларига мосдир. Партиямиз ва ҳукуматимиз раҳбарларининг Европа, Осиё, Африка ва Америка қитъаларидаги турли мамлакатларга қилган визитлари — натижаларини жаҳон жамоатчилиги кенг қўллаб-қувватлаганлиги буни яққол исбот этувчи далилдир.

Совет Иттифоқи социализм манфаатларини, халқлар озодлиги ва миллий мустақиллиги ишини астойдил ҳимоя қилгани ҳолда империализмнинг агрессив кучлари ўзларининг экспансиячилик ва авантюристик ниятларидан воз кечмаганлигини эътиборга олмоқда. Империализмнинг агрессив кучлари Ҳинди-Хитойда жиноий уруш қилмоқдалар, исроиллик агрессорларни қўллаб-қувтиқламоқдалар, халқаро хавфсизлик проблемаларини ҳал этишга тўсқинлик қилмоқдалар.

Бундай шароитда социалистик Ватаннинг мудофаа қудратини, Совет Қуролли кўчларининг жанговар қудратини, уларнинг ҳушёрлигини ошириш ва социализм улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доимий тайёргини ошириш — энг муҳим вазифаларимизнинг биридир.

Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги туфайли Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан таъминланди. Улар коммунизм ишига содиқ бўлган қудратли, жипслашган коллективдир, социалистик Ватаннинг саботли, мард ва моҳир ҳимоячиларидир.

Қуролли кучларимизнинг жангчилари қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан ягона жанговар сафда бориб бундан буён ҳам совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини мустаҳкам кўриқлаб турадилар, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини муносиб бажарадилар.

Яшасин Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг эллик тўрт йиллиги!

Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли кучлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!

Ура!

* * *

Уч карра «ура!» садолари майдон узра яна янграйди. Тўплардан бир йўла ўқ узилиб салют берилади. Янгма ҳарбий оркестр Совет Иттифоқи гимнини ижро этади.

Еш барабанчилар — Москва ҳарбий — музика мактабининг ўқувчилари қўшинларнинг парадини бошлаб беради.

Ленин орденли, Қизил Байроқ орденли, Суворов орденли М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академия, Ленин орденли, Октябрь революцияси орденли, Қизил Байроқ орденли ва Суворов орденли Ф. Э. Дзержинский номидаги ҳарбий-инженерлик академияси, Ленин орденли, Қизил байроқ орденли Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский номидаги бронетанк қўшинлари ҳарбий академияси, Ленин орденли, Қизил байроқ орденли В. В. Куйбишев номидаги ҳарбий-инженерлик академияси, Қизил байроқ орденли, Совет Иттифоқи маршали С. К. Тимошенко номидаги химиявий ҳимоя ҳарбий академияси, Қизил байроқ орденли, Кутузов орденли Ю. А. Гагарин номидаги ҳарбий-ҳаво академияси, Ленин орденли ва Октябрь революцияси орденли, Қизил байроқ орденли профессор Н. Е. Жуковский номидаги ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясининг тингловчилари текис саф тортиб майдондан ўтадилар.

Қизил байроқ орденли С. М. Киров номидаги Каспий олий ҳарбий-денгиз билим юртининг курсантлари Қизил юлдузли оқ-ҳаворанг байроқ кўтариб, минбар олдидан ўтиб борадилар. Денгизчилар кетидан гвардиячи парашютдесант полки, Москвадаги Қизил байроқ орденли чегарачи командирлар билим юрти колоннаси, денгиз пиёда аскарлари полки, Ленин орденли, Қизил байроқ орденли Ф. Э. Дзержинский номидаги дивизия жангчилари, Москва ва Калинин суворовчи ҳарбий билим юртларининг ўқувчилари, ленинградлик ёш нахимовчилар, Москвадаги Ленин орденли, Қизил байроқ орденли РСФСР Олий Совети номидаги олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари майдонга кириб келадилар.

Тарих музейи томонидан моторларнинг гуриллаган овози эшитилади. Қизил байроқ орденли, Суворов орденли М. И. Калинин номидаги гвардиячи Тамань мотоўқчи дивизиясининг бўлинмалари бронетранспортёрларда намоён бўладилар.

Таманликлардан кейин ҳаво-десант қўшинлари пайдо бўлади. Улар мўраккаб ҳарбий техника билан қуролланганлар.

Танк двигателларининг кучли гуриллаган овози ҳаммаёқни босиб кетади. Ленин орденли, Қизил байроқ орденли гвардиячи Кантемир танк дивизиясининг дахшатли ҳарбий машиналари кўзга ташланди.

Қудратли Совет артиллерияси Улуғ Ватан уруши йилларида сўнмас шон-шуҳрат қозонди. Эндиликда артиллериямизнинг куч-қудрати гоят ўсди. Узоққа отадиган замонавий тўплар, катта калибрли ва қудратли тўплар, бугун Қизил майдондан ўтиб бораётган дахшатли реактив установкалар буни яққол исбот этувчи далилдир.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қиладиган ва биринчи даражали ҳарбий техника билан таъминланган зенит-ракета қисмлари саф тортиб ўтмоқда. Улар ракета ва душман йўлини тўсадиган қирувчи самолётлар комплекси билан қуролланганлар. Улар учувчисиз самолётларни ва учувчи бошқарадиган самолётларни мудофаа қилинадиган объектлардан анча олисда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ва душман радио орқали тўсиқ техникасини қўлланган вазиятда душманни енгишга қодирдирлар.

Парад қатнашчилари орасида Ленин орденли гвардиячи Путилов—Киров зенит-ракета полки бўлинмалари бор. Бу полкнинг тарихи мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи қўшинларнинг босиб ўтган жанговар йўлини мужассамлаштиради. В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ самолётларга қарши курашувчи батарея вужудга келтирилган эди. Ана шу батарея негизида кейинчалик полк тузилди. Бу батарея граждан урушн йилларида чет эл интервенцияларига қарши олиб борилган жангларда қатнашди. Путилов заводи, ҳозирги Киров заводининг ишчилари бу батареяни биринчи жангчилари эди. Ҳозирги кунда ҳам гвардиячи жангчилар Ленинграддаги Киров номли завод коллективи билан дўстона маҳкам алоқа боғлаганлар.

Тактик ракеталар ва оператив-тактик ракеталар ўтиб боряпти. Москва округидаги энг яхши ракета қисмларининг командири подполковник В. Вострецов байрам парадида ўн олтинчи марта қатнашаяпти. Унинг қўл остидаги қисм жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида эришган муваффақиятлари учун уч марта округ ҳарбий советининг Кўчма қизил байроғи билан мукофотланди.

Ватанимиз жанговар куч-қудратининг негизи бўлган стратегик ракета қўшинлари Қизил майдонга кириб келадилар. Совет фани ва техникасининг энг янги ютуқларини акс эттирган улкан ракеталар пайдо бўлганида минбардагилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Гоят самарали ёқилғи билан ҳаракат қиладиган уч босқичли ракеталар мавзолей олдидан ўтади.

Мўлжални жуда аниқ нишонга олиш ва куч-қудрати жиҳатидан тенги бўлмаган қитъалараро стратегик ракеталар ўтиши билан ҳарбий парад тамом бўлади.

(Давоми 2-бетда).

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Совет Социалистик Республикаларн Иттифоқи Ҳукумати улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 54 йиллиги муносабати билан 7 ноябрда қабул маросими ўтказди.

Кремлдаги съездлар саройида ўтказилган қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, партия ветеранлари, СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, министрлар, комитетларнинг раислари, Совет Иттифоқининг маршаллэри ва қўшин турлари маршаллари, генераллар ва адмираллар, марказий идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, космонавт учувчилар, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари, пойтахт корхоналарининг илғорлари, ҳарбий парад қатнашчилари бор эди.

Байрамда қатнашиш учун Москвага келган чет эллик меҳмонлар ҳозир бўлишди.

Меҳмонлар орасида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, совет ва чет эл журналистлари бор эди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев шу ерда ҳозир бўлган кишиларга табрик нутқи билан мурожаат қилди.

Азиз ўртоқлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан сизларни улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 54 йиллиги байрами билан қизғин ва самимий табриклайман.

Биз бутун халқнинг ҳурмати ва муҳаббатига сазовор бўлган шонли Қуролли Кучларимизнинг муносиб вакиллари бўлган Москва ҳарбий округи қўшинлари бугунги парадининг ҳамма иштирокчиларини қизғин табриклаймиз ва муборакбод қиламиз.

Биз бугунги намойишнинг ҳамма қатнашчиларини табриклаймиз. Бу намойиш Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашларининг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш соҳасида эришган катта муваффақиятларини жуда ёркин кўрсатиб берди.

Азиз ўртоқлар, сизларни табриклаш билан Ватанимизнинг барча меҳнаткашларини Улуғ Октябрни ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олган ишчиларни, колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, шонли меҳнаткаш зиёлиларимизни қизғин ва самимий табриклаймиз.

Биз мамлакатимизнинг барча эркаклари ва аёлларини, барча ёшгит ва қизларини табриклаймиз ҳамда қаҳрамонона меҳнатлари учун уларга ташаккуримизни изҳор қиламиз. Уларнинг бу меҳнати давлатимизнинг қудратини мустаҳкамлайди ва бутун жамиятимизнинг моддий фаровонлигини янада юксалтириш ва маданиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда Коммунистик партиямиз ва Совет Ҳукуматимизнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари учун барча коммунистлар ва комсомоллардан, Ватанимизнинг барча меҳнаткашларидан бутун совет халқидан миннатдормиз.

Байрамимиз муносабати билан қабул маросимида ҳозир бўлган чет мамлакатларнинг ҳурматли вакилларини, дипломатларни табриклашга ижозат бергайсиз.

Яшасин улуғ Октябрь Социалистик Революциясининг 54 йиллиги!

Яшасин совет халқи, меҳнаткаш халқ, ғолиб халқ!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин планетамизда тинчлик!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ўртоқлар ва дўстлар!

* * *

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор гулдурос қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросими гоят самимий вазиятда ўтди.

Қабул маросими қатнашчилари учун санъат усталари концерт қўйиб беришди. (ТАСС).

ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда)

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти улуғ Октябрнинг 54 йиллигини жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олди. Совет жангчилари машқ майдонларида, океан ва денгиз походларида, учувчилик соҳасида ўзларининг жанговар маҳоратларини кунт билан такомиллаштирмоқдалар, даҳшатли техникани муваффақиятли эгалламоқдалр. Қўшинларнинг яқинда ўтказилган «Юг» машқларида бу нарса ёрқин намойиш қилинди. СССР Қуролли Кучлари доим шай бўлиб турибди. Улар партия ва халқнинг биринчи даъвати биланоқ ўз Ватанининг манфаатларини шараф билан ҳимоя қилиш ва ҳар қандай агрессорга қатъий зарба беришга тайёрдирлар.

* * *

Қизил майдон бир дақиқа сукунатга чўмади. Яна юриш бошланади. «Ўртоқлар, дадил олға!» революцион қўшиқ музикаси садолари остида байроқдорлар колонналари майдонга кириб келади. Революциянинг қизил ранги, Октябрнинг қизил ранги Қизил майдонга нур сочгандек бўлади.

Колонналар Владимир Ильичнинг портретини ва «Ленин ғоялари яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда!» шиорини баланд кўтариб олганлар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўлмас Ленин ғоялари нур сочиб турган йўлдан халқимизни коммунистик қурилишда янгидан-янги зафарлар сари бошлаб бормоқда.

Қизил байроқлар орасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари кўзга ташланади.

Кремль деворлари олдида кишилар қалбларидан чиқариб айтаётган «Улуғ Ленинга шон-шарафлар!», «Ленин партиясига шон-шарафлар!» деган сўзлар янграйди.

Байрам маршрутида «Октябрь 54 йиллиги» шиори билан безатилган машинани кўрамиз. Тарих китоби бамисоли Қизил майдон узра ўз саҳифаларини очиб юборгандек туюлади. Байроқлар ёнида қизил гвардиячилар, гражданлар урушининг солдатлари, беш йилликларнинг қаҳрамонлари бор эди. Қизил алвонга «Бизнинг мақсадимиз — коммунизм» сўзлари ёзиб қўйилган.

Биз партиянинг доно раҳбарлигида зўр ишонч билан истиқболга назар солмоқдамиз. Биз халқларнинг жипслиги, бирлиги ва дўстлиги билан кучлимиз. Бу жипслик, дўстлик ва бирлик енгилмас эканлигимизнинг гаровидир. «СССР» деган сўз мамлакатимиз халқларининг миллий кийимларини кийиб олган намойиш қатнашчилари колоннаси кўтариб бораётган қизил байроқлар орасида мағрур ҳилпирайди. Ватанимизда яшовчи миллатлар ва элатлар ягона, мустаҳкам иттифоққа бирлашди. Тенг ҳуқуқли халқларнинг жаҳонда биринчи қардошларча ҳамдўстлиги ленинча миллий сиёсатнинг тантанасидан далолат берди.

Кўп миллатли аҳил оила эндиликда шонли сана — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган куннинг 50 йиллиги олдидан катта байрамга ҳозирлик кўрмоқда. Бу байрам олдидан тайёргарлик ҳам КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун кураш шиори остида ўтмоқда. Байрам либосидаги колонналар кўтариб олган плакатлар ҳам шундан далолат бериб турибди.

Олти машина бирин-кетин майдондан ўтиб бормоқда. Уларнинг ҳар биридаги лавҳалар тўққизинчи беш йиллик марраларини очиқ кўрсатиб беради. Съезднинг янги беш йиллик план юзасидан транспарантларда ёзилган директиваларига доир рақамлар салмоқли ва қойил қолдирадиган рақамлардир.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакат партия топшириқларини бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. «Муддатидан илгари!» сўзлари чуқур мазмунли бўлиб, миллионларнинг ғайрат шижоатини ифода этади ва жуда катта қилиб ёзилган «5» рақами билан қўшилиб кетади. Байрам колоннасининг қатнашчилари бу рақамни баланд кўтариб олганлар. «Беш йилликда зарбдорларча меҳнат қиламиз!», «Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарайлик» деган даъват сўзлари ёзилган байроқлар ҳилпирайди. Намойиш қанашчилари совет халқини, бунёдкор халқни ардоқлайдилар.

Совет кишилари революцион, жанговар ва меҳнат традицияларини муқаддас билиб сақламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар. Ёш ўринбосарлар бу традицияларга содиқмиз, деб қасамёд қиладилар. Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари минбарлар олдидан ўтишади. Ёшлар металл деталларни кўтариб олишган. Ёшлар чаққон ҳаракат қилишлари биланоқ, майдонда ишлаб турган цех манзараси пайдо бўлади.

Ёшлар ва ветеранлар Октябрь ғалабалари ҳимоячилари сафида, бунёдкорлар сафида бирга бормоқдалар. Совет халқи кураши ва ғалабаларининг турли босқичларини акс эттирган ранг-баранг панно ва композициялар бу фикрни яққол ифодалаб беради. Кремль деворини ва «Москва мудофааси учун» медалини тасвирлаган машина кучли таассурот қолдиради. Мавзолей олдидан ўтиб бораётган машиналарга тушиб олган гражданлар уруши ва улуғ ватан уруши қаҳрамонлари, Москва учун жангларда қатнашган ветеранлар муборакбод этиб ўтадилар.

Улар ва уларнинг қуролдош ўртоқлари қаҳрамонона меҳнатлари билан, тўккан қонлари билан пойтахтни қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, ватанни, тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Ана шу совет жангчилари жасорати учун деб Кремль девори ёнида абадий машъал ёнмоқда.

Намойиш қатнашчилари майдонда беш қиррали жуда катта юлдуз шаклида саф тортадилар. «Ватанни ҳимоя қилишга тайёрмиз!» сўзлари жиддий ва улугвор янграйди.

Ота-боболар бу ерда, Қизил майдонда қасамёд қилганларидек, ҳозирги кунда ёшлар ҳам ана шу қасамёдни такрорламоқдалар. Авлодларнинг ана шу бузилмас алоқаси — Улуғ Ватанимизнинг енгилмас куч-қудратидир. В. И. Лениннинг Социалистик Советлар республикамиз халқаро социализм машъали бўлиб, барча меҳнаткашлар оммасига намуна бўлиб қоматини ростлаб тураверади, деган доно сўзларининг чуқур моҳиятини бугун ҳам жуда яхши англайсан киши.

Москва бу кун социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломини йўлламоқда. Маркс, Энгельс, Ленин портретлари туширилган байроқда «Марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида бутун дунё коммунистларининг бирлиги мустаҳкамланаверсин!» сўзлари ярқирайди.

Жаҳон социализм системаси ленинча интернационализм ғояларининг ёрқин ифодаси бўлиб қолди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг байроқларида «Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши», «Варшава шартномаси» сўзларидан таркиб топган жуда катта ҳарфларни кўрамиз.

Шундан кейин транспарантда «Империализмга қарши курашувчи барча кучларнинг жипслиги учун» деган даъват ёзилган глобус кўзга ташланади.

Байрам намойиши колонналари бирин-кетин ўтиб бормоқда. Намойиш қатнашчилари кўтариб олган шиорлар совет кишиларининг тинчликка, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, турли мамлакатлар халқларининг ҳамкорлигига интилаётганлигини акс эттиради. КПСС ўзининг XXIV съездида тинчлик программасини қабул қилганидан буён ярим йилдан сал ортиқ вақт ўтди. Барча халқлар бу программани табрикладилар. КПСС ва Совет Давлати раҳбарлари зўр ғайрат билан бажараётган ишлар тинчлик программасида баён қилинган буюк вазифаларга мос келади. Л. И. Брежневнинг яқинда Франция ва Германия Демократик Республикаси, А. Н. Косигиннинг Канада ва Кубага, Н. В. Подгорнийнинг Вьетнам Демократик Республикасига қилган сафарлари партиямизнинг тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш манфаатлари йўлида жуда катта иш қилаётганлигидан яна бир марта далолат беради.

«Совет кишисининг тинчликсеварлиги, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев Франция телевидениеси орқали сўзлаган нутқида, — иқтисомий тузумимизнинг характери билан вужудга келди. Совет кишисининг тинчликсеварлиги коммунистик қурилиш планларимиз билан, бутун ички сиёсатимиз билан чамбарчас боғланган... Бутун иқтисодий тараққиётимизнинг пировард мақсади совет кишиларининг турмуш шароитини яхшилашдан иборат».

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни таъминлаш чоралари тўғрисида», «Олий махсус ўқув юртлари студентлари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг моддий ҳамда уй-жой-маиший шароитини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» яқинда эълон қилинган қарорлари партия ва ҳукуматнинг совет халқи бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликларини яққол исбот этади.

«КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлаймиз ва маъқуллаймиз!» — баланд кўтарилган қизил байроқлар орасида кўзга ташланган бу шиор ҳар бир совет кишисининг фикр ва туйғуларини ифода этди.

Физкультурачилар шаҳдам қадамлар билан минбар олдидан ўтадилар. Уларнинг олдида — байроқдорлар. Гимнастикачилар Қизил майдонда қизил байроқлар фонида ёрқин кўриниб турган «СССР» деган катта ҳарфлар шаклида саф тортадилар.

Байрам қатнашчилари хитоб қиладилар:

— Совет Ватанига шон-шарафлар!

— Совет ҳукуматига шон-шарафлар!

— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар, шон-шарафлар!

Қудратли «Ура» садолари, гулдурос қарсаклар янграйди. Майдонда «Коммунизм ғалаба қилади!» деган катта шиор кўзга ташланади.

Шу пайтда байрамнинг кичкинтой қатнашчилари — пионерлар ва октябрятлар югуришиб мавзолей минбарига чиқишади. Улар коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларига гулдасталар тақдим этишади.

Намойишчиларнинг биринчи тўлқини тарих музейининг ҳар икки томонидан Қизил майдонга кириб келади. Спасск башнясининг манзарасини тасвирлаган ва пойтахт байроғи кўтарилган машина колонналарнинг олдида бормоқда. Байроқда олтин юлдуз, иккита Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени тасвирини кўрамиз. Пойтахт меҳнаткашлари меҳнат ғалабалари тўғрисидаги рапортлари билан байрам намойишига чиқишди.

Москваликлар ҳар қанча фахрлансалар ҳам арзийди: шаҳардаги саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш бўйича ўн ойлик планни муддатидан илгари, 25 октябрда бажардилар.

Колонналар баланд кўтариб олган транспарантда «Москва намунали коммунистик шаҳар бўлсин!» деган сўзларни ўқиймиз. Пойтахт аҳолиси партия XXIV съездида қўйилган ана шу масъулиятли вазифани ўзининг жанговар программаси деб қабул қилди. Пойтахт аҳолисининг ғайрат-шижоати билан Советлар мамлакатининг бош шаҳри ўз қиёфасини ўзгартирмоқда ва кўркамлашиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тасдиқлаган ривожланишнинг бош планига мувофиқ Москва ўз қиёфасини ўзгартирмоқда.

Бу планнинг схемаси бугун байрам ҳуснига-ҳусн қўшяпти.

Шоду хуррам кишилар қизил майдондан тўққиз қатор бўлиб ўтмоқдалар. Пойтахтдаги ҳамма районлар меҳнаткашларининг вакиллари ўтиб боряптилар.

Колонналар Октябрга бағишлаб берган рапортлар, рақам, схема ва диограммаларнинг ҳар бири Октябрь ватани порлоқ мақсад сари шаҳдам қадамлар билан бораётганлиги, Ленин партияси халқимизни шу мақсад сари бошлаб бораётганлиги тўғрисидаги ёрқин қиссадир.

«Ишчилар синфи жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлиб келди ва шундай куч бўлиб қолади». КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXIV съездида айтган ана шу сўзлари пойтахт ишчилар синфининг илғор отрядларидан бири бўлмиш Пролетар райони меҳнаткашлари колоннасининг транспарантига ёзилган.

Шаҳардаги энг йирик саноат корхоналарининг бири — Лихачев номидаги автомобиль заводи коллективи анъанага мувофиқ Пролетар райони колоннасининг олдинги сафида бормоқда.

Бу завод коллективи ўн ой ичида пландан ташқари 1400 автомобиль ишлаб чиқарди, уч ярим миллион сўмлик запас қисмлар тайёрлади. Бу — завод коллективининг Октябрь байрамига туҳфасидир.

Завод асосий маҳсулотидан ташқари планга қўшимча равишда 3000 холодильник ишлаб чиқарди. Бу — Москва автомобилсозларининг беш йилликдаги энг муҳим вазифаларидан бирини — халқ учун кўпроқ товар ишлаб чиқариш вазифасини бажаришга қўшган ҳиссасидир.

Меҳнат аҳлининг бахт-саодати тўғрисида ленинча ғамхўрлик КПСС XXIV съезди қарорларининг асосий мазмунидир. Бу қарорларда ҳамма нарса партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсадига эришиш, халқнинг турмуш даражасини тўхтовсиз юксалтиришга бўйсундирилган.

«Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун». Колонналар кўтариб олган плакат ва транспарантлар ўтган йилларда эришилган муваффақиятларни яққол кўрсатиб беради.

Биринчи давлат подшипник заводи янги беш йилликнинг биринчи йилида подшипникларнинг 40 та янги хилини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Заводнинг маҳсулоти бутун жаҳонга машҳурдир. Унинг маҳсулоти 50 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Калинин районининг колоннасида қатнашаётган «Серп и молот» заводи коллективини кўрамиз.

Пойтахт металлурглари октябрь олди вахтасида ишлаб, пландан ташқари ўн икки минг тоннадан ортиқ пўлат ва прокат тайёрладилар.

Бу заводда мусобақанинг бунёдкорлик руҳи қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён яшаб келмоқда. «Серп и молот» коллективи 1929 йилнинг унутилмас кунларида Ленинграддаги «Красний Виборжец» заводининг мурожаатига биринчи бўлиб қўшилган коллективларнинг бири эди. «Красний Виборжец» мамлакатимиздаги барча завод ва фабрикаларга мурожаат қилиб, уларни социалистик индустрияни тезроқ ривожлантириш учун мусобақага даъват этган эди. Ҳозирги кунда мусобақа янада юксак босқичга кўтарилди. Аммо мусобақанинг улуғ Ленин васият қилганидек, коммунистларча ишлаш ва яшашдан иборат моҳияти ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу нарса КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил қилишни янада яхшилаш тўғрисида» яқинда қабул қилган қарорида яна бир марта таъкидлаб ўтилади. Ана шу программ ҳужжат мусобақани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. миллионларнинг ташаббуси учун кенг майдон очиб беради.

Москваликларнинг байрам намойишида меҳмонлар ҳам кўп эди. Москва областидаги совхоз ва колхозларнинг вакиллари ўз шефлари билан бирга намойишда қатнашдилар.

«...Қишлоқ хўжалигини юксалтириш, — деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида, — фақат қишлоқ меҳнаткашларигагина боғлиқ эмас, балки саноат ходимлари, фан ва техника арбобларининг ҳам ғайрат-шижоатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия уларни ана шу катта, ҳақиқатдан ҳам умумдавлат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этади».

Тимирязев районининг колоннаси дон бошоқларини кўтариб Қизил майдонга кириб келади. Колонна «Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаннинг ролини оширайлик» сўзлари ёзилган паннони кўтариб олган. Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясининг коллективи Қизил майдондан ўтади. Бу академиянинг ходимлари партиянинг даъватига иш билан жавоб қайтармоқдалар. Москва областидаги «Заря коммунизма», «Коммунарка», «Память Ильича» совхозларида ва бошқа кўп хўжаликларда академиянинг таянч пунктлари вужудга келтирилди.

Москва областидаги қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1971 йилда 1 миллион тоннага яқин ғалла етиштирдилар, ҳар гектар ердан 23,2 центнердан дон ҳосили олинди, деб рапорт берадилар.

Мамлакатимизнинг илмий штаби — СССР Фанлар Академияси колоннаси «Совет фани — Октябрь самараси» деган сўзлар ёзилган плакатни кўтариб олган. Совет Иттифоқида 17 минг академик, мухбир аъзо ва профессорлар бор. Планетадаги ҳар тўрт олимнинг бири СССР гражданидир.

Ленин районининг колоннасида студентлар кўп. Мамлакатдаги энг йирик олий ўқув юртлари ўз вакилларини — аълочи ўқувчиларни, студентлар бинокор отрядларнинг азаматларини, Ленин стипендиатларини, яқинда ўтказилган студентлар Бутуниттифоқ слётининг қатнашчиларини Қизил майдонга юборишган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг слётда айтган шу сўзлари уларга, улар сиймосида барча совет студентларига қаратилган эди: «Партия Марказий Комитети бутун умрингизда ленинча ўқишингиз, ишлашингиз ва курашувингизга аминдир!».

... Қизил майдонда байрам намойиши бир ярим соатча давом этди. Бу совет халқининг бирлигини, унинг Ленин васиятларига ва революцион идеалларига садоқатини, коммунистик партия теварагига жипслашганлигини кўрсатган завқли намойиш бўлди. Октябрь намойиши халқимизнинг ижодий кучларини, унинг партия XXIV съезди қўйган катта вазифаларни бажаришга қатъий белбоғлаб, коммунистик қурилишда янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга қатъий қарор берганлигини ёрқин исбот этувчи яна бир далил бўлиб қолди.

Қизил майдондан репортажни ТАСС мухбирлари.

М. БАРАТЯНЦ, Л. БЕРНАСКОНИ, В. ИТКИН, В. ПЕТРУНЯ, А. СЕМЁНОВ, В. СЕРОВ, А. ШЕСТАКОВСКИЙ олиб бордилар.

БУНЁДКОРЛАР КОЛОННАСИ ОДИМ ТАШЛАМОҚДА

ТОШКЕНТДА В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МАЙДОНДА ХАРБИЙ ПАРАД ВА МЕҲНАТКАШЛАР НАМОЙИШИ

Ёмғирда ювилган олтин куз япроқлари Совет Ўзбекистони пойтахтининг ҳуснига-ҳусн қўшди. Тонг. Майин шаббода байроқларни ҳилпиратади. Тошкент гарнизони қўшинлари Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 54 йиллиги шарафига бўладиган парадни кутиб, В. И. Ленин номли майдонда саф тортиб туришибди.

Пойтахтнинг узоқ чеккаларидан тортиб асосий проспектларгача бўлган кўчалари бўйлаб меҳнаткаш Тошкент вакилларининг байрам колонналари оқиб келмоқда. Ишчилар, инженерлар, олимлар, студентлар ва ўқувчилар, маданият арбоблари бугун, Совет мамлакатининг юбилейи куни байрам байроқларини кўтарган ҳолда. Коммунистик партиямиз асосчиси. Совет давлатимизнинг ташкилотчиси номи ер юзидаги барча халқларни озодлик учун курашдаги байроғи бўлиб қолган улуғ Ленин ҳайкали олдидан ўтадилар.

Минбарларда революция, гражданлар уруши ва улуғ Ватан уруши ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва социалистик Меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, СССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари, республика министрлари, чет эллик меҳмонлар туришибди.

...Эрталаб соат ўн. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзолари ва Бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, С. Р. Расулов, С. У. Султонова**, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари **А. С. Абдалин**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари **Р. Х. Абдуллаева, С. К. Зиёдуллаев, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев** ҳукумат трибунасига кўтариладилар.

Майдонга қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, генерал-полковник С. Е. Белоножко машинада кириб келади. Парад қўмондонининг рапортини қабул қилгач, қўмондон қўшинларни айланиб ўтади, жангчиларни Октябрь байрами билан қутлайди, сўнгра минбарга кўтарилиб, жангчиларга, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қарата нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига мувофиқ қўмондон уларни Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги муносабати билан табриклайди ва қутлайди.

Совет Иттифоқи халқлари, деди у, шу шонли санани КПССнинг тарихий XXIV съезди ўтган йилда, ўзининг ижодий кучлари барқ уриб яшнаган ва коммунизм қурилишида янги-янги ғалабаларга эришаётган бир шароитда нишонламоқда.

Экономика, фан ва техника соҳасида эришилган муваффақиятлар негизида совет халқининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси ўсди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Октябрнинг 54 йиллигини хўжалик ва маданий қурилишда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Улар КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, машинасозлик, энергетика, металлургия, химия махсулоти ва саноатнинг бошқа тармоқларида махсулот ишлаб чиқариш ўн ойлик планини ошириб бажарди.

Бу йил Ўзбекистоннинг шонли пахтакорлари янада катта муваффақиятларга эришдилар. Республика меҳнаткашлари пахта тайёрлаш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари 25 октябрда адо этдилар. Мамлакатга 4 миллион 400 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган юксак социалистик мажбурият яқин кунларда бажарилади.

Қардош социалистик мамлакатлар Совет Иттифоқи халқлари билан бир сафда туриб социализм йўлида ўз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

Миллий озодлик ҳаракати улуғ Октябрь таъсири остида ва СССРнинг ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг холисона интернационал кўмаги туфайли кенг қулоч ёйди ва янада ривож топди.

Мана шуларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг улуғворлигини ва битмас-туганмас қудратини Октябрнинг барҳаёт ленинча ғоялари тантанасини ҳар қачонгидан ҳам равшан намоён қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Совети раиси А. Н. Косигиннинг кейинги вақтларда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига қилган сафарлари халқаро кескинликни камайтиришга қўшилган муҳим ҳисса бўлди, мамлакатимизнинг ва умуман жаҳон социализм системасининг халқаро обрўйини оширди, мавқеини мустаҳкамлади.

Совет Иттифоқининг ва бошқа социализм мамлакатларининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, ҳамда миллий озодлик курашининг муваффақиятлари империалистик агрессорларни ғазабга солмоқда.



В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар намойиши.
А. АБАЛЯН фотолари.

Америка агрессорлари ўз планларини амалга ошириш мақсадида Вьетнам, Камбоджа ва Лаос халқларига қарши жиноий уруш олиб бормоқдалар. Яқин Шарқда Исроил экстремистларига ҳомийлик қилмоқдалар, қуролланиш пойгасини давом эттирмоқдалар.

Коммунистик партия, совет ҳукумати, бутун совет халқи империалистик агрессорларнинг мана шу хатарли кирдикорларига жавобан ватанимизнинг куч-қудратини янада оширдилар. Совет Қуролли Кучлари коммунистик партиянинг, совет ҳукуматининг тинмай меҳрибонлик қилаётганлиги туфайли, фан-техниканинг энг янги ютуқлари негизида барпо этилган қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг замонавий турлари билан шайлантирилди.

Қизил байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари совет халқининг тинч бунёдкорлик меҳнатини қўриқлаб, ватанимизнинг жанубий чегараларида ўзининг фахрий-ҳарбий бурчини шараф билан ва муносиб равишда бажармоқда. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари улуғ Ленин партияси теварагига мустаҳкам жипслашиб, ўзининг ҳарбий маҳоратини ва жанговарлик қобилиятини тинмай такомиллаштирмоқда ҳамда ватаннинг ҳар қандай буйруғини бажаришга ҳамма вақт тайёр турибди.

Қизил майдонда улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги шарафига коммунизм қураётган, ер юзида тинчлик ва барча кишиларнинг бахт-саодати учун мардонавор курашаётган улуғ совет халқи, жонажон совет ҳукумати, Совет Иттифоқи улуғ ленинчи коммунистик партияси шарафига табрик садолари янграйди.

Артиллерия салютининг садолари, майдон узра «Ура!» садолари янграйди. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат гимнлари тантанали жаранглайди.

Барабанларнинг янгроқ садоси остида парадлар ҳиёбонига шаҳдам қадамлар ташлаб биринчи ҳарбий қисмлар кириб келади. Ватан ҳимоячиларининг сафларида жанговар шон-шуҳратларга бурканган байроқлар ҳилпирайди. Майдондан турли қўшинлар вакиллари ўтади. Октябрь ғалабаларини шараф билан сақлаш, Совет Иттифоқи халқларининг ва бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқларининг тинч ҳаётини бузишга уринган ҳар қандай агрессорга қақшатғич зарба беришга шай турган қудратли жанговар техника ўтиб боради.

Моторларнинг овози бир зум тинади. Бир неча дақиқалик сукунатдан сўнг парадлар ҳиёбонида намойишчиларнинг дастлабки колонналари кўринади. Ранг-баранг байроқлар, шиорларнинг байрам нафаси, диаграмма ва плакатлар кўзга чалинади... Пойтахт меҳнаткашларининг коллективлари ўзларининг меҳнат ютуқлари ҳақида рапорт бергани Ленин майдонига келишгани бежиз эмас. Улар бугун Октябрь олди вахтасининг якунлари ҳақида, Коммунистик партиянинг XXIV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда эришган дастлабки ютуқлари тўғрисида, тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида эришган меҳнат зафарлари ҳақида рапорт бермоқдалар. Бу зафарларнинг ҳаммаси 1917 йил октябрида бошлаб берилган коммунистик қурилиш йўлида эришилган ғалабадир...

Тошкентликлар давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарган республика пахтакорларининг ажойиб ғалабасига ўз ҳиссаларини қўшганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Ўзбекистонда ҳар бир киши пахтакордир. Кичик бир пахта кўсагида колхозчининг меҳнати билан ишчининг зарбдор иши, олимнинг изланиши, конструкторларнинг фикри мужассамлангандир. «Ташсельмаш» заводи колоннасини минбардагилар қарсаклар билан кутиб олишади. Бу шонли коллектив яқинда юз мингинчи пахта териш машинаси ишлаб чиқарганини тантанали нишонлаган эди. «Ташсельмаш» техникаси фақат шу йилги йиғим-терим мавсумининг ўзида юз минглаб кишини қўл меҳнатидан халос қилди. Машиналар билан 1.800 минг тонна пахта териб олдилар.

В. И. Ленин номли электрон техника заводи жуда мураккаб приборлар ишлаб чиқаради. Корхона маҳсулот реализация қилиш графигини бир ой олдин бажармоқда. Бунга ижодий ташаббускорлик, мусобақани моҳирона ташкил этиш, илғор технологияни жорий қилиш туфайли эришилди.

...Колонна кумуш ранг ҳарбий кема моделини боши узра олиб ўтмоқда. Булар — В. П. Чкалов номли заводнинг самолётсозлари. Бу корхона меҳнатдаги муваффақиятлари учун шаҳар ҳурмат тахтасига ёзилган. Пойтахтнинг «Таштекстильмаш», «Узбексельмаш», Трактор-йиғув, «Ташкенткабель» сингари кўпдан-кўп бошқа энг йирик корхоналар коллективлари ҳам шу тантанали кунда Ватанга меҳнат совғаларидан рапорт бермоқдалар... Мана «Подъёмник» заводининг колоннаси ўтиб бормоқда. Бу корхона ишчилари қисқа вақт ичида қолоқликка барҳам бериб, беш йиллик илғорлари сафига ўтиб олишга муваффақ бўлишди.

Тошкентликлар КПСС XXIV съездининг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш ҳақидаги қарорига амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Октябрь олди социалистик мусобақасининг ғолиблари қаторида бугун Қизил майдондан ўтиб бораётган «Қизил тонг», «1-пойафзал» фабрикаси «Учқун» тўқимачилик, галантерея фирмаси, 3-нон заводи, Тошкент консерва заводи, сут комбинати, «Шарқ» мебель фирмаси ишчилари ҳам бор. «...Муддатидан бир ҳафта илгари..., ўн кун илгари... бир ой илгари...» деган сўзлар ёзилган транспарантлар яққол кўриниб турибди. Тошкент муҳри босилган халқ истеъмоли моллари неча ўн миллион сўмликдан ҳам ошиб кетади. Партиянинг «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» деган шиори амалда ўзининг моддий ифодасини топмоқда.

Шу эсда қоладиган кунда майдондан ўтган, зангори экранлар орқали намойишни кузатган ҳар бир киши Тошкент учун, қудратли индустриал шаҳар учун, илғор фан ва маданиятга эга бўлган шаҳримиз учун чексиз ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошди. Ўнлаб илмий-тадқиқот муассасаларида ишлаётган юзлаб олимлар ҳам намойишчилар билан бирга ўтишди. Улар орасида физиклар ва математиклар, биологлар ва санъатшунослар, ер қаърининг разведкачилари ва астрономлар, тарихчилар ва химиклар бор эди... Уларнинг тадқиқотлари меваси техника тараққиётини янада жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш, маориф, маданиятни юксалтириш имконини бермоқда.

...Республиканинг фахри ва келажаги бўлган ёшлар қадам ташлаб бормоқда. Тошкентнинг ўнлаб олий ўқув юртлари ва техникумлари халқ хўжалиги учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб бермоқда. Пойтахт студентлари партиянинг ёшлар зиммасига юклаган юксак бурчини шараф билан бажаришга қатъий азму-қарор қилганлар, бутун ҳаётлари мобайнида ғоявий эътиқодни, чуқур билимларини, касбга меҳр-муҳаббатларини, ўзларининг улуғ Ватанга садоқатини намойиш қилишга аҳд қилганлар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев студентларнинг бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида ёшларнинг худди шу бурчи ҳақида гапирган эди.

В. И. Ленин номли майдонда одамлар тўлқини бир неча соатгача тинмай оқиб турди. Тантанали байрам гўзал спорт паради билан ниҳоясига етди.

Кечқурун эса, шаҳарнинг байрам чироқлари билан ясанган кўчалари ва майдонларида Октябрь салютининг ранг-баранг мушаклари порлади.

Ю. КРУЖИЛИН,
Ю. КУКАРКИН.
ЎзТАГ мухбирлари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1971 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг тавсиясини кўриб чиқиб, СССРнинг 1971 йилги Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қиладилар:**

I.

ФАН СОҲАСИДА

1. Академик, И. В. Курчатов номли атом-энергияси институтининг бўлим бошлиғи, иш раҳбари Лев Андреевич Арцимовичга, шу институт ходимлари — физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим Виталий Дмитриевич Шафрановга, физика-математика фанлари кандидати, катта илмий ходим Вячеслав Сергеевич Стрелковга, физика-математика фанлари кандидати, илмий ходим Денис Петрович Ивановга, физика-математика фанлари кандидати, кичик илмий ходим Ксения Александровна Разумовага, кичик илмий ходимлар, катта инженерлар Владимир Семёнович Мухатовга, Евгений Петрович Горбуновга, кичик илмий ходим Сергей Васильевич Мирновга, бўлим бошлиғининг ўринбосари Алексей Константинович Спиридоновга, группа раҳбари Артур Михайлович Усга, физика-математика фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси А. Ф. Иоффе номидаги физика техника институтининг кичик илмий ходими Михаил Петрович Петровга, техника фанлари доктори, Д. В. Ефремов номидаги электр-физика аппаратлари илмий тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи Наум Абрамович Моносзонга — «Токамак» қурилмаларида юксак ҳароратли термоядро плазмасини ҳосил қилиш ва тадқиқ этиш» ишлар туркуми учун.

2. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, ядро тадқиқотлари бирлашган институти лабораториясининг директори Дмитрий Иванович Блохинцевга, академик, ядро тадқиқотлари бирлашган институти лабораториясининг директори Илья Михайлович Франкка, шу институт ходимлари — физика-математика фанлари доктори, лаборатория директорининг ўринбосари Фёдор Львович Шапирога, группаларнинг раҳбарлари, физика-математика фанлари кандидати Иван Максимович Маторга, техника фанлари кандидати Евгений Павлович Шабалинга, лаборатория бош инженери Сергей Константинович Николаевга, бўлим бошлиғи Василий Тимофеевич Руденкога, физика-энергетика институти бўлимининг бош инженери Фёдор Ильич Украинцевга, техника фанлари кандидати, И. В. Курчатов номидаги атом энергияси институтининг лаборатория бошлиғи Игорь Стефанович Головнинга, П. И. Баранов номидаги Ленин орденли авиация моторсозлиги Марказий илмий тадқиқот институти лабораторияси конструкторлик бюросининг бошлиғи Георгий Ермолаевич Блохинга, физика-математика фанлари доктори Игорь Ильич Бондаренкога — «Тадқиқот ИБР реактори ва инжекторли ИБР реактори» ишлар туркуми учун.

3. Физика-математика фанлари доктори, А. А. Жданов номидаги Ленинград Давлат университетининг профессори Людвиг Дмитриевич Фадеевга — уч зарба квант вазифасини коректн равишда қўйиш ва тадқиқ қилиш соҳасида 1960 — 1967 йилларда эълон қилинган ишлар туркуми («Фадеев тенгламалари») учун.

4. Физика-математика фанлари докторлари, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ходимлари — профессор Евгений Петрович Аксеновга, доцент Владимир Григорьевич Деминга, кафедра мудири Георгий Николаевич Дубошинга, физика-математика фанлари доктори, назарий ва эксперементал физика институтининг лаборатория мудири Евгений Александрович Гребенниковга, техника фанлари доктори, Москва физика-техника институтининг профессори Михаил Дмитриевич Кисликка — осмон механикасининг ҳозирги проблемалари ва методлари соҳасида 1958—1968 йилларда эълон қилинган ишлар туркуми учун.

5. Техника фанлари доктори Константин Константинович Андреевга, физика-математика фанлари доктори Александр Фёдорович Беляевга — конденцияланган системаларнинг портлаб, термик парчаланиши, ёниши, детонацияси ва иши соҳасидаги асарлар туркуми учун.

6. Академик, СССР Фанлар академияси химия институтининг директори Григорий Алексеевич Разуваевга, химия фанлари доктори, шу институт директорининг ўринбосари Николай Сергеевич Вязанкинга — иккиламчи ва полиметалл органик бирикмаларни синтез қилишга ва уларнинг реакцияга кириш қобилияти соҳасида 1963—1970 йилларда эълон қилинган асарлар туркуми учун.

7. Белоруссия ССР Фанлар академиясининг академиги, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг геохимия проблемалари лабораториясининг сектор мудири Гаврил Иванович Горецкийга — рус текислигидаги катта дарёлар ўтмишдошларининг келиб чиқиш давридаги палеопотамологияси, аллювий тузилиши ва тарихи соҳасидаги ишлар учун.

8. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси зоология институти директорининг ўринбосари Анатолий Петрович Андрияшевга, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР гидрометеорология марказининг директори Виктор Антонович Бугаевга, «Союзморниипроект» институтининг бўлим бошлиғи Борис Владимирович Дубовскийга, география фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси география институтининг катта илмий ходими Александр Васильевич Живагога, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси Узоқ Шарқ илмий маркази Президиумининг раиси Андрей Петрович Капицага, география фанлари доктори, Арктика ва Антарктика илмий-тадқиқот институтининг директори Алексей Фёдорович Трешниковга, география фанлари кандидати, шу институт директорининг ўринбосари Евгений Сергеевич Короткевичга, геология-минералогия фанлари доктори, СССР Фанлар академияси П. П. Ширшов номидаги Океанология институтининг лаборатория мудири Александр Петрович Лисицинга, академик, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг кафедра мудири Константин Константинович Марковга, геология-минерология фанлари доктори, Арктика геологияси илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари Михаил Гиршевич Равичга, география фанлари кандидати, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги гидрометеорология хизмати бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Евгений Иванович Толстиковга, география фанлари доктори, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Якутия филиали Шимол физика-техника проблемалари институтининг бўлим мудири Пётр Александрович Шумскийга — 1966—1969 йилларда нашр этилган 2 томлик «Антарктика атласи» учун.

9. Биология фанлари доктори, Тинч океан балиқ хўжалиги ва Океанография илмий-тадқиқот институти Камчатка бўлими лабораториясининг катта илмий ходими Фаина Владимировна Крогиусга, география фанлари доктори, шу лаборатория мудири Евгений Михайлович Крохинга, биология фанлари кандидати, СССР Фанлар академияси И. М. Сеченов номли эволюцион физиология ва биохимия институти группасининг раҳбари Владимир Васильевич Меншуткинга — 1969 йилда эълон қилинган «Дальний кўли пелагик балиқлар туркуми (кибернетик моделлаш тажрибаси)» илмий асари учун.

10. Академик марҳум Николай Дмитриевич Иерусалимскийга, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси микроорганизмлар биохимияси ва физиологияси институтининг директори Георгий Константинович Скрябинга, биология фанлари кандидатлари, шу институт лабораторияларининг мудирлари Валерий Константинович Ерошинга, Александр Борисович Лозиновга, биология фанлари кандидатлари, Бутуниттифоқ оқсил моддалар биологик синтези илмий-тадқиқот институти лабораторияларининг мудирлари Александр Дмитриевич Гололобовга, Нина Борисовна Градовага, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, Бутуниттифоқ чорвачилик илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири Николай Иванович Денисовга, Украина ССР Фанлар академиясиниг мухбир аъзоси, Украина ССР Фанлар академияси Д. К. Заболотний номидаги микробиология ва вирусология институтининг сектор мудири Евгений Иванович Квасниковга, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги, Дон қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири Пантелеймон Ефимович Ладанга, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси микробиология институтининг бўлим мудири Максим Николаевич Мейселга, техника фанлари доктори, Москва химия машинасозлиги институтининг кафедра мудири Пётр Ивановичга, Николаевга, СССР Медицина Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Медицина Фанлар академияси овқатланиш институтининг директори Алексей Алексеевич Покровскийга — нефтуглеводородлардан оқсил моддаларни ҳосил қилишнинг микробиологик илмий асосларини ишлаб чиққанликлари учун.

11. Академик, клиник ва экспериментал хирургия илмий-тадқиқот институтининг директори, иш раҳбари Борис Васильевич Петровскийга, медицина фанлари доктори, шу институт бўлимининг раҳбари Валерий Иванович Шумаковга, СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, СССР Медицина Фанлари академияси органлар ва тўқималарни кўчириб ўтказиш институтининг директори Глеб Михайлович Соловьевга, СССР Медицина Фанлар академиясининг мухбир аъзолари, Н. И. Пирогов номидаги 2-Москва Давлат медицина институти кафедраларининг мудирлари Юрий Михайлович Лопухинга, Николай Алексеевич Лопаткинга — буйракларни кўчириб ўтказиш усулини ишлаб чиққанликлари ва клиника практикасига жорий этганликлари учун.

12. СССР Медицина Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР Медицина Фанлари академияси неврология институтининг директори, иш раҳбари Евгений Владимирович Шмидтга, медицина фанлари кандидатлари, шу институтнинг катта илмий ходимлари Людмила Константиновна Брагинага, Николай Викторович Верещагинга, медицина фанлари доктори, шу институт лабораториясининг мудири Александра Николаевна Колтоверга — бош магистрал қон томирлари патологияси шароитида мияда қон айланиши бузилишини ўрганиш соҳасида 1959 — 1970 йилларда эълон қилинган ишлар туркуми учун.

13. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР Фанлар академияси рус тили институтининг сектор мудири Рубен Иванович Аванесовга, Белоруссия ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Белоруссия ССР Фанлар академияси тилшунослик институтининг собиқ директори Кондрат Кондратьевич Атраховин (Крапива)га, Белоруссия ССР Фанлар академияси Якуб Колас номидаги тилшунослик институтининг ходимлари — Белоруссия ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, секторларнинг мудирлари филология фанлари докторлари Юзефа Флориановна Мацкевичга, Николай Васильевич Бриллога, катта илмий ходим Нина Трофимовна Войтовичга, катта илмий ходимлар Александр Антонович Кривицкийга, Анна Владимировна Орешенковага, Евгения Михайловна Романовичга, филология фанлари кандидатлари кичик илмий ходим Елена Ивановна Чеберукка, филология фанлари доктори, А. М. Горький номидаги Минск Давлат педагогика институтининг профессори Алексей Петрович Груцога, филология фанлари кандидати, В. И. Ленин номидаги Белоруссия Давлат университетининг доценти Антинея Григорьевна Мурашкога, филолог Ольга Михайловна Шелегга—белорус тилининг тарқалиши соҳасидаги ишлар комплекси учун.

14. Филология фанлари доктори, Ленин комсомоли номидаги Томск Давлат педагогика институтининг кафедра мудири Андрей Петрович Дульзонга — 1968 йилда эълон қилинган «Кет тили» монографияси учун.

II.

ТЕХНИКА СОҲАСИДА

1. Шчекино химия комбинатининг ходимлари — аппаратчи Александр Иванович Антоновга, катта аппаратчилар Фёдор Степанович Борисовга, Иван Никифорович Шеляевга, Зуфар Карамович Галиаскаровга, ишлаб чиқариш бошлиғи Павел Александрович Лупановга, партия комитетининг секретари Анатолий Александрович Мокинга, бош экономист Вера Ивановна Слепихга, директор Пётр Михайлович Шаровга, Химия саноати министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Сергей Гаврилович Семинга, химия саноати министрининг ўринбосари Константин Константинович Чередниченкога — меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари системасини ишлаб чиқиб, шу тадбирларни Шчекино химия комбинатида, Химия саноати министрлигининг ва бошқа тармоқларнинг корхоналарида жорий этганликлари учун.

2. Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги бош бошқармасининг бош инженери Георгий Парсамович Бадаловга, Минск трактор заводининг собиқ ходимлари — цех бошлиғи Яков Алексеевич Тимошенкога, профессор, бош конструктор Иван Иосифович Дронгга, шу завод ходимлари — бош инженер Пётр Иванович Бойковга, бош конструктор ўринбосарлари Виктор Владимирович Войтиковга, Пётр Яковлевич Прицкерга, синовчи-тракторчи Марат Дмитриевич Груздга, директор Николай Никитович Слюньковга, бош инженер ўринбосари Валентин Андреевич Шишонкга, Минск махсус асбоблар ва технология мосламалари заводининг слесари Андрей Филиппович Кузнецовга, Кишинёв трактор заводининг бош инженери Виктор Иванович Лебедевга, Минск мотор заводининг директори Владимир Алексеевич Рожковга — «Беларусь», МТЗ-50 база модели асосида чопиқ қилинадиган экинлар етиштиришни комплекс механизациялаш учун 1,4—2 тонна тортиш кучига эга бўлган ва унификация қилинган ғилдиракли, ярим ўрмаловчи ва ўрмаловчи тракторларни яратиб, кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирганликлари учун.

3. Бутунроссия узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, институт бўлимининг катта илмий ходими Александр Трофимович Воронцовга, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, бўлим мудири Елена Ивановна Захаровага, группа раҳбари Александр Авраамович Ковалевга, конструкторлик бюроси бўлимининг бош инженери Чеслав Станиславович Толочкога, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, шу институт директори Яков Иванович Потапенкога, умумий тупроқ ишлаш машиналари давлат махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори Георгий Григорьевич Гогунскийга, В. Е. Таиров номидаги Украина узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири Леонид Бенционович Думайга, техника фанлари кандидати, шу институтнинг катта илмий ходими Наум Лейбович Смелянскийга, иқтисод фанлари кандидати, Октябрь революцияси номидаги Одесса қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг собиқ директори Юрий Николаевич Писаревга, «Донвино» ишлаб чиқариш-совхоз бирлашмасининг бошлиғи Георгий Сергеевич Сармакешевга, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, Бутуниттифоқ «Магарач» узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг бўлим мудири Глеб Дмитриевич Паламарчукка, В. И. Ленин номидаги совхоз механика устахонасининг собиқ мудири Прокофий Иванович Алексеевга — токи кўмиладиган узумчилик зонасида токларни механизация усулида парвариш қилиш технологиясини ишлаб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий қилганликлари учун.

4. И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг директори Павел Дмитриевич Бородинга, собиқ цех бошлиғи Аркадий Иванович Вольскийга, шу завод ходимлари — бошқарма бош инженерининг ўринбосари Константин Александрович Калачевга, технология мосламаларини лойиҳалаштирувчи бош конструктор Илларион Михайлович Масленниковга, транспорт-омбор ишларини механизациялаштирувчи собиқ бош конструктор Анатолий Максимович Плаховга, бошқарма бошлиғи Анатолий Владимирович Смирновга, бўлим бошлиғи Лев Иванович Степинга, конструкторлик бюросининг бошлиғи Борис Леонидович Тилга, ишлаб чиқариш бошлиғи Николай Александрович Фёдоровга, техника фанлари кандидати, бош пайвандчи Моисей Миронович Фишкисга, бошқарма бош инженери Пётр Алексеевич Цветковга, прессозлик бўйича бош конструктор Михаил Владимирович Холмоговга — И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводида ишлаб чиқаришнинг асосий ва ёрдамчи жараёнларини комплекс механизациялаш системасини ишлаб чиқиб, жорий қилганликлари учун.

5. Оршанскдаги «Красний борец» станоксозлик заводининг директори Тиверий Михайлович Захаренкога, шу завод ходимлари — бош инженер Анатолий Кириллович Милосердийга, собиқ бош инженер Пинь Моисеевич Пильчга, бош инженер ўринбосари Евгений Иосифович Ковалевга, бош технолог Борис Сергеевич Малишевга, «Оргстанкинпром» давлат лойиҳа технология ва эксперементал институтининг ходимлари — бош инженер Владимир Фёдорович Жлановичга, бош инженер ўринбосари Яков Григорьевич Лемберикка, лойиҳанинг бош инженери Михаил Израилевич Кунинга, бўлим бошлиғи Евгений Петрович Колчинга, бригадаларнинг бошлиқлари Иван Илларионович Хомяковга, Зинаида Николаевна Саркисянга, Витебск тиш ишлаш, йўниш ва тешиш станоклари махсус конструкторлик бюросининг бош инженери Василий Акимович Григорьевга — Оршанскдаги «Красний борец» станоксозлик заводида юксак ва алоҳида юксак аниқликдаги станокларни комплекс-механизация усулида намунали ишлаб чиқаришни, ишлаб чиқариш кўлами жиҳатидан ноёб бўлган ишлаб чиқариш, меҳнат технологиясини ва уни ташкил этишни яратганликлари, ўзлаштирганликлари учун.

6. Техника фанлари кандидати, Ереван математика машиналари илмий-тадқиқот институти бўлимининг бошлиғи, иш раҳбари Граче Есаевич Овсепянга, шу институт ходимлари — лаборатория мудири Мнацакан Рубенович Буниатянга, лаборатория бошлиғи Хачик Карапетович Эйлезянга, Арманистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, директор Фадей Тачатович Саркисянга, директор ўринбосари Грант Самсонович Сагоянга, етакчи инженер-конструктор Михаил Артаваздович Хачатрянга, бўлим бошлиғи ўринбосари Владимир Савельевич Ишинга, Ереван «Электрон» заводининг директори Саргиз Амаякович Тумаянга, электрон ҳисоблаш машиналари заводи махсус конструкторлик бюросининг лаборатория бошлиғи Айрат Вагизович Закировга — микропрограмма принципида қурилган ва автоматик программалаш системаси жойланган «Наири» электрон-ҳисоблаш машиналари туркумини ишлаб чиқиб, яратганликлари учун.

7. Техника фанлари доктори, пармалаш ускуналари махсус конструкторлик бюросининг бош конструктори, иш раҳбари Гурген Бейбутович Карапетянга, ўша махсус конструкторлик бюроси бош конструкторининг ўринбосарлари — техника фанлари кандидати Владислав Леонидович Архангельскийга, Валентин Спиридонович Копиловга, Волгоградаги пармалаш ускуналари «Баррикада» заводи ходимлари инженер Аркадий Иванович Камишниковга, цех бошлиғи Петр Прокофьевич Суровга, бош инженер Василий Павлович Царевга, техника фанлари кандидати, нефть машинасозлиги давлат илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти директорининг ўринбосари Георгий Осипович Скловскийга, техника фанлари кандидати, шу институтнинг бўлим бошлиғи Арсений Александрович Антоновга, «Татнефть» бирлашмасининг собиқ ходимлари — бирлашма бошлиғининг ўринбосари Виктор Ильич Мишчевичга, вишка-монтаж конторасининг бош инженери Степан Григорьевич Скрипникка, «Лениногорскбурнефть» бошқармасининг бош механиги Александр Михайлович Жутаевга, нефть машинасозлиги Озарбайжон илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи Тоир ўғли Артур Расизодага, —комплекс пармалаш установкалари ва отқиндиларга қарши ускуналар яратганликлари ҳамда уни саноат кўламида ўзлаштирганликлари учун.

8. Бутуниттифоқ кон геомеханикаси ва маркшейдер иши илмий-тадқиқот институтининг ходимлари — техника фанлари доктори, бўлим мудири Игнатий Макарович Петуховга, техника фанлари кандидати, лаборатория мудири Яков Адамович Бичга, техника фанлари доктори, директор Александр Николаевич Омельченкога, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, директорнинг собиқ ўринбосари Степан Гаврилович Авершенга, техника фанлари кандидати, ўша институт Уральск секторининг мудири Беньямин Шулимович Винокурга, «Кизелуголь» комбинатининг собиқ бош инженери Василий Николаевич Власовга, ўша комбинатнинг ходимлари — бош маркшейдери Валентин Александрович Литвинга, бошқарма бошлиғи Василий Степанович Старосельцевга, Урицкий номидаги шахтанинг бригадири Тихон Карпович Прочанга, ўша шахтанинг собиқ бош инженери Вадим Николаевич Огневга, Крупская номидаги шахта участкасининг бошлиғи Борис Васильевич Смирновга, «Сучануголь» тресги бошқарувчиси Афанасий Акимович Еркинга, — СССР шахталарида тоғ зарбаларига қарши кураш комплексини ишлаб чиққанликлари ва жорий этганликлари учун.

9. Бутуниттифоқ рангли металлар кон-металлургия илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири, иш раҳбари Иван Иванович Кершанскийга, шу институт тажриба заводи бўлимининг катта мастери Вячеслав Петрович Куурга, В. И. Ленин номидаги Усть-Каменогорск қўрғошин-рух комбинатининг директори Иван Семёнович Воронинга, шу комбинатнинг собиқ ходимлари — цех бошлиғи Владимир Фёдорович Проньинга, бўлим мастери Валерий Александрович Сидоровскийга, Сихотэ-Алинск давлат полиметалл комбинати қўрғошин заводининг бош механиги Иван Петрович Бровинга, М. И. Калинин номидаги Чимкент қўрғошин заводининг ходимлари — техника фанлари кандидати, директор Ризабой Жолдинович Хободабергеновга, цех бўлимининг бошлиғи Василий Дмитриевич Ильяшенкога, техника фанлари доктори, «Гинцветмет» институти директорининг ўринбосари Марк Моисеевич Лакерникка, Қозоғистон ССР Фанлар академияси металлургия ва бойитиш институтининг кичик илмий ходими Виктор Петрович Овчаренкога, техника фанлари кандидати «Электроцинк» заводининг директори Генрих Михайлович Штейнгартдга, шу завод цехининг бошлиғи Тоймирза Данилович Сатиевга — олтин ва кумуш чиқаришни кўпайтиришни таъминловчи электротермияни қўллаиб, асл металлар ажратиб олишнинг принципиал янги технологияни ишлаб чиққанлари ва уни СССР қўрғошин саноатига жорий этганликлари учун.

10. Техника фанлари кандидати, Украина ССР қора металлургия министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи Николай Васильевич Панюшкинга, В. И. Ленин номидаги Днепропетровск трубопрокат заводи ходимлари — техника фанлари кандидати, директор Владимир Хресанфович Касьянга, етакчи конструктор Валерий Наумович Бураковскийга, техника фанлари кандидати, шу завод ҳузуридаги автоматлаштириш ва механизациялаштириш марказий лабораториясининг бошлиғи Марк Григорьевич Бердянскийга, техника фанлари кандидатлари Ирман Иделевич Броцкийга, Георгий Яковлевич Крюковга, Анатолий Васильевич Малинкага, Анатолий Николаевич Слюсаревга, шу марказий лаборатория бошлиқлари Вальтер Александрович Гринвальдга, Владимир Фомич Виеевникка, техника фанлари кандидати, К. Либкнехт номидаги Нижне-Днепровск трубопрокат заводининг собиқ директори Георгий Алексеевич Бибикка, «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» номидаги Никополь жанубий трубний металлургия заводининг цех бошлиғи Виктор Харитонович Куреленкога, — қувур ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва интенсивлаштириш учун машина, механизм ва прибор ишлаб чиққанликлари ҳамда уларни жорий этганликлари учун.

11. Техника фанлари доктори, Украина ССР Фанлар академияси Е. О. Патон номидаги электр пайвандлаш институтининг бўлим раҳбари, иш раҳбари Игорь Константинович Походнийга, шу институт ходимлари — техника фанлари кандидати, катта илмий ходим Анатолий Ефимович Марченкога, етакчи инженер Игорь Романович Явдошчинга, бўлим бош технологи Азраиль Моисеевич Бейнишга, СССР қора металлургия министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи Христофор Сергеевич Шахпазовга, Метиз заводларини лойиҳалаш давлат институтнинг бош мутахассиси Тимофей Емельянович Михалевскийга, медицина фанлари доктори СССР Медицина фанлари академияси меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари институти директорининг ўринбосари Елена Ивановна Воронцовага, Москва тажриба пайвандлаш заводи бўлимининг бошлиғи Александр Дмитриевич Раҳмановга, Ф. Э. Дзержинский номидаги Одесса сталепрокат заводининг директори Иван Павлович Стрежаковга, Череповец сталепрокат заводининг директори Пётр Иванович Ладновга, техника фанлари доктори, СССР фанлар академияси А. А. Байков номидаги металлургия институтининг катта илмий ходими Андрей Александрович Ерохинга, «Промсталь-конструкция» лойиҳа институтининг бош пайвандчиси Рафаиль Григорьевич Шнейдеровга, — қоплама электродлар билан пайвандлаш ва уларни ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини тубдан яхшилаганликлари ва меҳнат унумдорлигини оширганликлари учун.

12. Техника фанлари кандидати, Ленинград уй-жой ва жамоат биноларини типовой ва экспериментал лойиҳалаш зона илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти махсус конструкторлик бўлимининг бошлиғи Юрий Александрович Елесеевга, директор Алексей Васильевич Карагинга, бош мутахассис Алексей Петрович Морозовга, бош архитекторлар — Григорий Павлович Морозовга, Игорь Павлович Сусликовга, шу институт ходимлари — техника фанлари кандидатлари махсус конструкторлик бўлимининг бош конструктори Олег Александрович Курбатовга, лаборатория мудири Григорий Элнозорович Райнусга, «Промсталь конструкция» лойиҳа институти Ленинград бўлимининг бошлиғи Исаак Залманович Дисманга, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретари Юрий Ильич Заварухинга, Главленинградстрой бошлиғининг ўринбосари Георгий Николаевич Каменскийга, «Севзапстальконструкция» трестининг бошқарувчиси Леонид Яковлевич Крайнесга, шу трестга қарашли Ленинград қурилиш-монтаж бошқармаси монтажчилар-верхолазлар бригадири Василий Тимофеевич Сорожкинга, — йирик пролетлар учун янги қўш поясли вантли системани тадқиқ этганликлари ва уни қурилишга жорий қилганликлари учун (Ленинград шаҳридаги «Юбилейный» спорт саройи мисолида).

13. «Союзвзрывпром» трестининг ходимлари — бошқарувчи Сергей Александрович Поповга, техника фанлари кандидати, бош инженер Фёдор Александрович Авдеевга, бўлим бошлиғи Исаак Львович Блеймaнга, лаборатория бошлиғи Тигран Саркисович Автонянга, Тожикистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри Тоир Муҳамедович Муҳамедовга, Тожикистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрининг ўринбосари Тоир Шарипович Шариповга, техника фанлари доктори, Н. Е. Жуковский номидаги ҳарбий-ҳаво инженерлар академиясининг профессори Георгий Иосифович Покровскийга, Таджикгидростройнинг собиқ бош инженери Борис Кириллович Свиентковскийга, «Гипроводхоз» лойиҳа институтининг бош инженери Яков Айзикович Юлишга, «Главспецпромстрой»нинг бош инженери Анатолий Иосифович Певзнерга, техника фанлари доктори, Бутуниттифоқ «Водгео» илмий-тадқиқот институти секторининг раҳбари Василий Павлович Недригега, география фанлари доктори, ВНИИГИМ директорининг ўринбосари Лев Валерианович Дунин — Барковскийга, — Вахш дарёсида ялпи портлатишлар йўли билан Бойпазин гидроузели тош-тупроқ тўғонини қурганлиги учун.

14. Гусев биллур заводининг бош инженери, иш раҳбари Иринарх Алексеевич Фигоровскийга, шу завод ходимлари — директор Георгий Васильевич Савоничевга, бош конструктор Владимир Александрович Зубановга, шиша эритувчи Владимир Григорьевич Катковга, техника фанлари кандидати, давлат шиша илмий-тадқиқот институти лабораториясининг мудири Зинаида Михайловна Серицкаяга, шу институт Гусев филиалининг ходимлари — техника фанлари кандидатлари, директор Жим Иванович Клегга, сектор мудири Николай Александрович Юдинга, бўлим мудири Константин Афанасьевич Пчеляковга, лойиҳа-конструкторлик бюросининг бош конструктори Сергей Владимирович Соколовга, «Владимирстекло» бошқармасининг бош инженери Николай Федорович Мохнинга, шу бошқарманинг бошлиғи Михаил Зосимович Браудега, Дятьковск биллур заводининг бош инженери Алексей Тихонович Белинга, — узлуксиз пишириш усулини ҳамда қўрғошин биллури ва нодир ғил элементлари оксидлари билан бўялган рангли шишалардан буюмлар тайёрлаш усули билан навли идиш-товоқлар ишлаб чиққанликлари ва уни ишлаб чиқаришга жорий этганликлари учун.

III.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАРСЛИКЛАР УЧУН

1. Химия фанлари доктори, Д. И. Менделеев номидаги Москва химия-технология институтининг кафедра мудири Анатолий Павлович Крешковга, — 1965 йилда нашр этилган (иккинчи нашри) «Аналитик химия асослари» дарслиги учун.

2. Техника фанлари доктори, Москва энергетика институтининг профессори Тереза Христофоровна Маргуловага, — 1969 йилда нашр этилган «Атом электростанциялари» дарслиги учун.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. БРЕЖНЕВ.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. КОСИГИН.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1971 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги СССР Ленин мукофотлари ва Давлат мукофотлари комитетининг таклифини қараб чиқиб, СССРнинг 1971 йилги Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қиладилар.**

АДАБИЁТ СОҲАСИДА

1. Ёзувчи Вадим Михайлович Кожевниковга — «Алоҳида қисм» ва «Пётр Рябинкин» повестлари учун.

2. Шоир Александр Трифонович Твардовскийга «Шу йиллар лирикасидан» шеърлар китоби учун.

МУЗИКА ВА КОНЦЕРТ-ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДА

3. СССР халқ артисти Белла Андреевна Руденкога — 1969 — 1970 йиллардаги концерт программалари учун.

4. СССР халқ артисти, композитор Арам Ильич Хачатурянга — уч концерт-рапсодия (оркестр билан скрипкада ижро этиладиган, оркестр билан виолончелда ижро этиладиган, оркестр билан фортепианода ижро этиладиган рапсодиялар) учун.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

5. Қирғизистон ССР халқ рассоми Лидия Александровна Ильинага — «Оналик» ва «Қирғизистон ёшлари» гравюралар туркуми учун.

6. Грузия ССР да хизмат кўрсатган рассом Ираклий Алексеевич Очиаурига — Тбилиси шаҳрининг бахт уйидаги ва Грузия совет энциклопедияси биносидаги ўймакорлик асарлари, Осако шаҳрида «Экспо-70» жаҳон виставкасидаги Совет павильони учун ишланган «Оловнинг ўғирланиши» ўймакорлик панноси ва «Грузия мадҳи» туркумидаги ўймакорлик асарлари учун.

КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА

7. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Борис Израилевич Волчекка, сценарий автори Леонид (Лев) Данилович Аграновичга, судья Хромова ролининг ижрочиси Елена Георгиевна Козельковага — «Молдовафильм» киностудиясида ишлаб чиқилган «Қотилликда айбланади» бадиий фильми учун.

8. СССР халқ артисти, режиссёр ва сценарий автори Сергей Апполинарьевич Герасимовга, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, оператор Владимир (Вульф) Абрамович Рапопортга, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом, марҳум Пётр Степанович Галаджевга, ролларнинг ижрочилари —артист Наталья Николаевна Белохвостниковага, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Василий Макарович Шукшинга СССР халқ артисти Олег Петрович Жаковга — М. Горький номидаги болалар ва ўсмирлар фильмлари марказий студияси ишлаб чиқарган «Кўл бўйида» бадиий фильми учун.

АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

9. Архитекторлар — Виктор Миконович Емельяновга, Белоруссия ССРда хизмат кўрсатган бинокор Георгий Владимирович Заборскийга, колхоз раиси Фёдор Петрович Сенькога, архитекторлар — Раунас Антано Камайтисга, Виргиниюс-Кестутис Ионо Шимкусга, қурувчи Алексей Юргевич Коверовасга, совхоз директори Юозас-Бронисловас Ионо Станюлисга, Эстония ССРда хизмат кўрсатган архитектор Борис Борисович Мировга, Эстония ССРда хизмат кўрсатган архитектор Вальва Аугустовна Пормейстерга, Эстония ССРда хизмат кўрсатган архитектор Вольдемар Аугустович Херкелга, қурувчи-инженер Вяйно Эвальдович Куузикка, Эстония деҳқончилик ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг директори Ильмар Юрьевич Юриссонга — Белоруссия ССРдаги Вертелишка, Литва ССРдаги Дайнава, Эстония ССРдаги Саку, Куртна, Винни қишлоқ посёлкаларини планлаштирганликлари ва қурганликлари учун.

10. Архитекторлар — Владимир Кимга, Юрий Григорьевич Ратушнийга, марҳум Николай Иванович Рипинскийга, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Лев Леонидович Ухобовга, конструкторлар — Борис Николаевич Деловга, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Валерий Иванович Кукушкинга, қурувчи-инженерлар — Николай Иванович Кузякинга, Қозоғистон ССРда хизмат кўсатган бинокор Мустафо Тулепович Казибековга — Олмаота шаҳридаги В. И. Ленин саройи учун.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ АСАРЛАРИ УЧУН

11. РСФСР халқ рассоми Юрий Алексеевич Васнецовга — болалар учун чиқарилган «Қарсак» ва «Камалак» китобларининг безаги ва расмлари учун.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. БРЕЖНЕВ.

ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. КОСИГИН.



В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашлар намойиши.

А. АБАЛЯН фотоси.

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Совет кишилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 54 йиллигини зўр шоду-хуррамлик билан нишонладилар. Барча қаторн области миз меҳнаткашлари ҳам бу қутлуғ айёмни ажойиб меҳнат зафарлари билан кутиб олдилар. Меҳнаткашларнинг бўлиб ўтган байрам намойишларида бу ютуқлар яна бир бор намоён бўлди.

АНГРЕН

Ангрен шаҳри меҳнаткашлари партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, ўн ойлик топшириқни муддатидан олдин шараф билан адо этдилар. Шаҳар кўчаларига осиб қўйилган транспарантларда мана шу ютуқлар батафсил ҳикоя қилинган.

Саноатчилар плиндан ташқари 2,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб истеъмолчиларга жўнатдилар. Учинчи квартал якунлари бўйича 9-шахта коллективи биринчи ўринни эгаллади. Бу илғор коллективга шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини тақдим этилди.

Бинокорлар ҳам ажойиб зафар қучдилар. Шаҳарда қурилиш-монтаж ишлари плани 104 процент бажарилди. Кончилар ва энергетикларга 30 минг квадрат метрдан кўпроқ тураржой совға қилинди.

...7 ноябрь куни шаҳар одатдагидан эрта уйғонди. Ўқувчилар, кончилар, қурувчилар, энергетиклар сафма-саф бўлишиб марказий майдон сари кела бошладилар. Байрам намойишини шаҳар спортчилари бошлаб беришди. Улардан сўнг ўқувчилар колоннаси майдон сари одимлайди. Намойишчилар сафига олимлар ва студентлар, саноатчилар ва қурувчилар қўшилишди.

Майдон узра дадил одим отиб бораётганлар орасида кўмир разрези экскаватор машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хўжа Аликулов, 9-шахта кончиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ҳасанов ва бошқа ўртоқларни кўриш мумкин. Улар тўққизинчи беш йиллик топшириғини тўрт ярим йилда бажариш юзасидан ташаббус бошлаганлар.

БЕКОБОД

Улуғ Октябрь байрами арафасида шаҳар бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди: Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Совети область ва Тошкент шаҳри районлари саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективларининг 1971 йил учинчи квартали юзасидан мусобақа якунларини кўриб чиқиб, область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини Бекобод шаҳрига беришга қарор қилдилар.

Шаҳар меҳнаткашлари бундай тақдирга лойиқ ишларни амалга оширишган эди. Шаҳарда саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 102,4 процент, меҳнат унумдорлиги плани 103,4 процент адо этилди. Бу муваффақиятларга металлургия заводи, цемент комбинати, темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати каби йирик корхоналар коллективлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ленин кўчасидан ўтиб бораётган намойишчилар қўлидаги транспарантларда мана шу ютуқлар ўз ифодасини топган. Металлургия заводи ўтган ойларда плиндан ташқари 5600 тонна пўлат ва 5700 тонна прокат ишлаб чиқарди. «Цементмонт» заводида эса ишлаб чиқариш суръати салкам 15 процент ўсди. Цемент комбинатида эса ҳозир йиллик планга қўшимча равишда 6 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун кураш кетаяпти.

Бекобод шаҳри меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликни муддатидан олдин бажаришга отланган. «Цемермонт» заводи ишчиси Ф. Охунов ҳозироқ бу маррани эгаллаб қўйди. Цемент комбинатидан Қосим Фармонов, Рифат Сулаймонов ўртоқлар бошлиқ бригадалар аъзолари беш йилликни тўрт-тўрт ярим йилда бажариш учун курашмоқдалар Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар.

Шаҳарда эрта тонгдан бошланган байрам кайфияти кун бўйи сўнмади. Намойишдан сўнг куйлар қўшиқларда уланиб кетди.

ОЛМАЛИҚ

Металлурглар шаҳрининг жамоли ўзгача. Кенг-кенг кўчалар бўйига тизилиб кетган кўпқаватли турар-жой биноларининг ниҳояси кўринмайди. Бинолар пештоқига осиб қўйилган олбайроқлар ва нурли шиорлар байрам руҳини бериб турибди.

Шаҳарда бу йил ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Руҳ заводининг учинчи навбати, сут заводи корпуслари кўкка бўй чўзди. Кўплаб тўрар-жойлар меҳнаткашларга совға қилинди. Шаҳар саноатчилари Улуғ Октябрнинг шонли 54 йиллиги шарафига ўзаро мусобақани кенг қулоч ёйдириб ўн ойлик топшириқни муддатидан олдин адо этдилар. Плиндан ташқари салкам 5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Байрам арафасида мусобақа илғорларидан 5-темир-бетон буюмлари заводига СССР Қурилиш министрлигининг кўчма Қизил байроғи, мебель фабрикасига эса СССР Мебель ва ёғоч ишлаш саноати министрлигининг Кўчма Қизил байроғи тақдим этилди. Мебелсозлар бу тақдирга 23 марта сазовор бўлмоқдалар. Шу боисдан ҳам улар байрам намойишида ёруғ юз билан дадил қадам ташлаб ўтиб бордилар.

Байрам намойишини одатдагидек, мактаб ўқувчилари бошлаб беришди. Улар қўлидаги ранг-баранг байроқлар кўз шамолида майин тебраниб турарди. Шундан сўнг кон-металлургия комбинати ишчи ва хизматчилари, қурувчилар ва транспортчиларнинг колоннаси бир-бирига уланиб кетди.

ЧИРЧИҚ

Шаҳарда октябрь байрами намойиши ўзгача шаклда бошланди. Биринчи бўлиб марказий майдонда революция, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари колоннаси ўтиб борди. Революция галабаларини кўз қорачиғидек қўриқлаётган кекса коммунистлар шаҳарда оз эмас. 163-қурилиш трести экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Таборак Турдиалиев, электрохимия комбинати цех бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Омон Илёсов, шаҳарнинг фахрий гражданлари Ҳаким Шокиров, Георгий Владимирович Палацкий ва бошқа номдор чирчиқликлар байрам намойишини бошлаб бердилар.

Шундан сўнг колонналар бир-бирига уланиб кетди. Ўқувчилар, студентлар, кимёгарлар — ҳаммалари елкама-елка қадам ташлаб келмоқдалар. Ҳаммасининг қалби қувончга тўлиқ. Шаҳарда ўн ойлик план топшириқлари муваффақиятли адо этилди. Кимёгарларга 36 минг квадрат метр турар-жой совға қилинди. Ҳозир ҳамма бир жон — бир тан бўлиб, йиллик топшириқни барвақт бажариш учун курашмоқда.

ЯНГИЙЎЛ

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик майдони эрта тонгданоқ саноатчилар ва пахтакорлар билан гавжум бўла бошлади. Оркестр садолари олис-олислардан ҳам эшитилиб турибди. Намойишчилар қўлидаги байроқлар майин ҳилпирайди.

Эрталаб соат 10. Майдондан биринчи бўлиб физкультурачилар ўтиб боришади. Шундан сўнг умумхалқ намойиши аўр шоду-хуррамлик билан бошланиб кетди. Шаҳар саноатчилари бугунги айёмга ўз совғалари билан келишган. Улар шу кунгача бирнеча миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқардилар. Сут заводи коллективи эса байрам арафасида йиллик планни бажарганлиги ҳақида галаба рапорти берди.

Шаҳарда байрам нафаси куни бўйи сезилиб турди. Куй-қўшиқлар оммавий сайлларга уланиб кетди...

Областимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам Улуғ Октябрнинг шонли 54 йиллиги зўр тантана билан нишонланди.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

9.30 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 9.35 — **Болалар учун концерт.**

Рус тилида: 10.05 — Болалар учун **мультфильм**, 10.20 — **Кичкинтойлар учун. «Қуёнча куйлайди».** 10.50 — **Кўрсатувлар программаси.**

10.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.45 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 16.50 — **«Звездочка» киноальманахи,** 17.35 — «Ахборот» информацион программаси (ўзбек ва рус тилларида).

Ўзбек тилида: 18.05 — **«Ўзбек телефильм»** кўрсатади. **«Дўстлар ташриф буюрганда...»** (Фильм-концерт).

19.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Соат 21.15 да: ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ — КАТТА МЕҲНАТ ГАЛАБАСИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ПРОГРАММАСИ.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

19.00 — **Хоккей.** «А» класси иккинчи группа командалари ўртасида СССР чемпионати. «СПАРТАК» (Тошкент) — ЖАНУБИЙ УРАЛ» (Орск). Танаффус вақтларида киноочерклар.

21.15 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.45 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/XI да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 8/XI да **Афсона** яратган қиз, (кундуз соат 11 да), **Олтин девор** (кундуз 3 да), **Аяжонларим** (кеч 7 яримда).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/XI да **Қайнона** (кундуз соат 12-да), **Катта концерт** (кундуз 4 да), **Лақма** (кеч 7 яримда).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/XI да **Биринчи бўса** (кундуз соат 12 ва 4 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар нштирокида** МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

КИНО

Огинский полонези — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ун икки стул — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Лнпа остидаги шаҳар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Офицерлар — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Тилсиз дўстлар — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

«Ешлар — «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Музика садолари (2 серия) — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия) — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Изма.из (2 серия). — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Том Сайернинг саргузашти, Ҳинду Жонинг ўлими (кундуз соат 12, 2 ярим, 5 да), **Шайтоннинг малайлари** (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

„БАҲОР“ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 1 ВА 4 ДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССР халқ артистлари ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ;

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МУҲАББАТ ШАМАЕВА;

Солистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Дадахон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОЕВА, Тельман ҲАСАНОВ, Толибжон МУЛЛАЖОНОВ, Илёс МАЛАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА ва бошқалар.

БИЛЕТЛАР «Баҳор» ва Свердлов номли концерт зали кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 1 ВА КЕЧ 8 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

„БАЙРАМ ДАВРАСИ“

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА, ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА, ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, КАМТАР ОТАБОЕВ;

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Камолиддин РАҲИМОВ (Наманган), **Неъматжон ТОШМАТОВ** (Қўқон), **Йўлдошхон НОСИРОВ** (Қўқон), **Мадамин ЮСУПОВ** (Маргилон), **Карима УЗОҚОВА.**

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ

ДАВРАНИ — ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ ва МАДАМИН ЮСУПОВЛАР олиб борадилар.

Билетлар Свердлов номли концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

УЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА

ТЕЗ КУНДА!

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Улмас УМАРБЕКОВ асари.

«ОҚАР СУВЛАР»

2 пардали драма.

Постановкачи-режиссёр — У. БАҚОЕВ.

Рассом — М. ЭШОНХЎЖАЕВ.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1972 йил учун қуйидаги Қишлоқ хўжалиги нашрларига

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ХЛОПКОВОДСТВО»,

«ВЕСТНИК СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ НАУКИ».

«ЗЕМЛЕДЕЛИЕ».

«САДОВОДСТВО».

«СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО ЗАРУБЕЖОМ».

«ЖИВОТНОВОДСТВО»,

«СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННАЯ БИОЛОГИЯ».

«ГИДРОТЕХНИКА И МЕЛИОРАЦИЯ».

«СЕЛЬСКИЙ МЕХАНИЗАТОР» ва бошқалар.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ ТОШКЕНТ-ТОВАРНИЙ СТАНЦИЯСИНИНГ ВАГОН ДЕПОСИГА

(Куйбишев шоссеси, 13-уй)

вагонларни тузатиш бўйича дурадгорлар ва слесарлар

КЕРАК

Иш сменали ва ҳар куни. Меҳнат ҳақи ишбай-мукофотли ва вақтбай-мукофотли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй.

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Тошкент область йўл қурилиши ва ремонти бошқармасининг бошлиғи

Халил

ТУРДИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.

Жаҳон янгиликлари

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАСИ

НЬЮ-ЙОРК, ТАСС мухбири О. Пивоваров хабар беради: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг XXVI сессияси кун тартибидаги энг муҳим масалани — «Қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси тўғрисида»ги Совет таклифини муҳокама қилишга киришди. Бу проблема муҳимлиги сабабли Бош ассамблеянинг комитетларида эмас, балки яллп мажлисларида муҳокама қилинади.

Совет Ҳукумати қуролсизланишга бағишлаб жаҳон конференциясини чақириш масаласини ҳозирги сессиянинг кун тартибига киритишни таклиф қилганида шуни назарда тутдики, қуролсизланиш пойгасини чеклаб қўйишга қаратилган самарали ва таъсирли чоралар тинчликсевар давлатлар халқлари ва ҳукуматларининг тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган яллп курашининг муҳим қисмидир. Бунда Совет Ҳукумати шунга асосландики, қуролсизланиш масалаларини тезроқ ҳал этмоқ учун ҳеч бир истисносиз барча давлатларнинг куч ва ғайратларини активлаштириш ва сафарбар қилиш мақсадида янги чора ва тадбирлар кўриш зарур.

ГАНДИНИНГ ВИЗИТИ ТУГАЛЛАНДИ

ВАШИНГТОН, 6 ноябрь. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Индира Ганди АҚШ пойтахтига расмий визитини тамомлади. И. Ганди икки марта президент Р. Никсон билан учрашди, давлат секретари У. Рожерс билан суҳбатлашди.

Индира Ганди музокаралар тамом бўлгандан кейин Вашингтондаги матбуот клубида сўзга чиқиб, Никсон билан олиб борилган музокаралар фойдали бўлди, деб айтди. Ярим оролда юз берган вазият тўғрисида мамлакатларнинг раҳбарларини хабардор қилишни ўз бурчим деб ҳисоблайман, деди у. И. Ганди айтдики, Ҳиндистон ўз қўшиларини Покистон чегарасидан олиб кетмоқчи эмас. Чунки, Покистоннинг агрессиясига икки марта дучор бўлган Ҳиндистон шай бўлиб туриш учун барча чораларни кўришни ўз бурчи деб ҳисоблайди, деди у.



ГДР. Карл-Маркс-Штадт шаҳрида илмий коммунизм асосчиси К. Марксга ёдгорлик ўрнатилди. Монумент автори совет скульптори Л. Е. Кербель. Суратда: ёдгорлик очилишига бағишланган митинг пайти.

АДН — ТАСС фотоси.

ДЎСТЛИК МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Дўстлик уйида Совет Россияси билан Монголия ўртасида тузилган дўстлик шартномаси имзоланган кунининг 50 йиллигига бағишланган Монголия-Совет дўстлик жамияти активистларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишга тўпланганлар чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Совет Иттифоқи жамиятлари делегациясини қизғин табриклашди.

Йиғилишда сўзга чиққан Монголия тинчлик ва дўстлик ташкилотлари федерацияси ижроия комитетининг раиси Д. Адилбиш ва Совет делегациясининг бошлиғи, Совет-Монголия дўстлик жамияти марказий правлениеси раисининг ўринбосари А. В. Гриценко, В. И. Ленин ва Д. Сухэ-Батор асос солган Совет ва Монгол халқлари ўртасидаги традицион қардошларча дўстлик бузилмас эканлигини таъкидладилар. Бу дўстлик доимо ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

ПОКИСТОН БИЛАН ХИТОЙ МУЗОКАРАЛАРИ

РАВАЛПИНДИ, 6 ноябрь. (ТАСС). Покистон радиосининг хабар беришича, президент Яҳёхоннинг шахсий вакили сифатида иш кўраётган Покистон халқ партиясининг раиси Зулфиқор Али Бхутто бошчилигидаги расмий делегация Пекинга келди. Делегация составида ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони маршал Раҳимхон, ҳарбий ҳаво кучлари штаби бошлиғи контрадмирал Рашид, бош штаб бошлиғи генерал-лейтенант Гул Хасан, ташқи ишлар министрлигининг секретари С. М. Хон ва бошқалар бор.

Кеча Покистон делегацияси Хитой Халқ Республикаси давлат кенгаши бошлиғи Чжоу Эн Лай билан музокаралар олиб борди. Музокаралар бугун давом эттирилади, деб хабар берилади.

ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозларда шудгорлашнинг бориши тўғрисидаги 1971 йил 6 ноябргача бўлган ишларнинг якунини кўриб чиқиб, шудгорлашда энг яхши кўрсаткичларга эришган илғорларга кўчма Қизил байроқ бериш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **Аҳмедов**, район ижроия комитетининг раиси **Назаров**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Мирёқубов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Медик—Карамян** ўртоқлар) берилди. Район шудгорлаш планини 25,5 процент бажариб, кейинги беш кунликда 12,3 процент ўсишга эришган.

Кўчма Қизил байроқ Калинин районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидаги **Охунбобоев номли колхозга** (раиси **Рузиматов**, партия ташкилотининг секретари **Пўлатов**, бош агрономи **Исоқов**, бош инженери **Тян** ўртоқлар) берилди. Колхоз шудгорлаш планини 73,3 процент бажариб, сўнгги беш кунликда 28,1 процент ўсишга эришган.

Кўчма Қизил байроқ Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан олиб берилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Келес» совхозига** (директори **Абдувалиев**, партия ташкилотининг секретари **Садриддинов**, бош агрономи **Қодиров**, бош инженери **Катюхов** ўртоқлар) берилди. Совхоз шудгорлаш планини 82,5 процент бажариб, беш кунликда 15,7 процент ўсишга эришган.

Кўчма Қизил байроқ шу райондаги «Қорасув» совхозидан олиб берилди.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ОБУНА ЯКУНЛАНДИ

Оржоникидзе районидаги кўпгина мактабларда обуна ишлари намунали олиб борилаяпти. Жумладан, 13-мактабда 1972 йил учун газета ва журналларга обуна бўлишни жадал суръатлар билан ўтказдилар. Мактабда «Правда», «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати», «Тошкент оқшоми», «Ленин учқуни» ҳамда «Коммунизм тонги» газеталарига кўплаб обуна тўпланди. Х. Тешабоева, Т. Туронқулова, Н. Абдураҳмонова, Ш. Абдураҳмонова каби ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳар бири 4-5 хил газета-журналларга ёзилишди.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

— Шу кунгача мактабимиз бўйича 2 минг сўмлик обуна тўпланди, дейди Киров районидаги Оржоникидзе номли 20-ўрта мактаб директорининг ўринбосари Э. Ортиқов, — Газета ва журналларга ёзилиш ўқувчи ҳамда ўқитувчиларимиз орасида ҳамон қизғин давом этяпти.

Мактабдаги ҳар бир ўқитувчи 5-6 хил газета-журналларга обуна бўлишди. Жумладан Раъно Махсумова, Юсуфжон Латипов, Вера Ермоленколар «Правда», «Известия», «Совет Ўзбекистони», «Тошкент ҳақиқати» «Тошкент оқшоми», «Правда Востока» газеталарига, «Муштум», «Саодат» ,«Гулистон» журналларига ёзилишди. Ўқувчилар эса «Ёш ленинчи», «Ленин учқуни», «Гулхан», «Гунча» каби газета-журналларга обуна бўлишмоқда.

Мактабда обуна ишларининг тезкорлик билан ўтишида бош пионервожатий Илья Давидов билан директор ўринбосари Э. Ортиқовнинг хизматлари катта бўлялти.

МИННАТДОРМИЗ...

Яқиндагина Тошкентдан Қибрайга бормоқчи бўлган киши Чирчиққа қатнайдиган автобусга чиқар эди. Энди эса Қибрайга бирнечта автобуслар қатнамоқда. Шунингдек «Революция хиёбони — Улугбек поселкаси» маршрути бўйича қатнаётган экспресс автобуслар хизматидан йўловчилар ниҳоятда хурсанд. Яна, Олой бозоридан тўғри Қибрайга элтиб қўядиган янги маршрутдаги автобуслар меҳнаткашларнинг оғирини енгил қилди. Буидан биз ниҳоятда миннатдормиз...

Йўловчилар номидан.

И. НЕЪМАТОВ.
О. САЛИМОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Узбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмаконаси Тошкент шаҳри.

Р— 14631 ИНДЕКС 64697. А—1864.